



100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак мавзеси 24-уй, 22-хонадон, Тел:(98)335-77-09

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

23 май 2024 й.

Тошкент шаҳар

«UZKABEL» АЖнинг

**2023 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботиغا
ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи:

«UZKABEL» АЖ.

Манзил: Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 2-уй.

Мен, «SMART KONTROL» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 24-дом, 22-хонадонда жойлашган, СТИР: 309892142) аудитори Б.Исакулов (06045-рақамли аудитор малака сертификати 21.08.2022 йилда берилган) томонидан 2024 йил 22 июлда тузилган Т-02/2-сонли шартнома асосида «UZKABEL» АЖнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган “Бухгалтерия баланси” ва кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботларни, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримиз бўйича, юқоридаги тақдим қилинган молиявий ҳисоботлардаги аҳамиятли жихатлар ҳаққоний акс этирилган ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ келади.

Раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги.

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим, бузиб кўрсатишлардан холи ҳамда молиявий ҳисоботларни

тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиқ бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир.

Бундай рискларни баҳолашда, жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказилишида қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишидаги баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

**МЧЖ шаклидаги «SMART KONTROL»
аудиторлик ташкилоти директори**



Б.Исакулов